



Ishonch

Юрт тараққийети йўлида бирлашайлик!

2022 йил
12 ноябрь
шанба
№ 145 (4741)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ВА АЪЗОЛАРИГА

Қадрли юртдошлар!
Хурматли касаба уюшмалари ходимлари ва фаоллари!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингида ушбу халқчил ташкилотнинг миллионлаб аъзоларини мамлакатимизда кенг нишонланаётган Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга юксак ҳурмат-эҳтиром ва самимий тилакларимни билдираман.

Бугунги кунда мамлакатимизда эркин ва фаровон ҳаёт, демократик жамият қуриш йўлида олиб бораётган изчил ислохотларимиз ва уларнинг амалий натижаларини таъминлашда касаба уюшмаларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини барчамиз эътироф этамиз.

Салкам 120 йиллик тарихга эга Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолияти давомида юксалиш ва пасайиш давлари ҳам юз берган, лекин бу ташкилот ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаган. Айниқса, сўнгги йилларда касаба уюшмалари ҳаётида янги ривожланиш босқичи бошланди, десак, муболаға бўлмайди.

Ҳозирги вақтда юртимизда касаба уюшмалари тизимида 34 мингдан ортиқ бошланғич ташкилотлар самарали фаолият кўрсатиб, соҳа бўйича 6 минг 700 дан зиёд ходим ва 300 мингга яқин фаоллар фидокорона хизмат қилмоқда.

Касаба уюшма аъзоларининг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, меҳнат жамоаларида ходимларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида кейинги йилларда касаба уюшмалари тизимида кенг қўллади чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўтган даврда соҳа ходимларининг сазой-ҳаракатлари билан 5 минг 425 нафар ишчи-хизматчининг меҳнат

ҳуқуқлари тикланиб, уларнинг фойдасига 11 миллиард сўмга яқин маблағ ундирилгани меҳнат қонунчилигини таъминлашда касаба уюшмаларининг ўрни муҳим эканининг амалий тасдиғидир.

Шу билан бирга, меҳнат муҳофазаси бўйича 932 та корхона ва ташкилотдаги ходимларнинг ҳаёти ва меҳнати учун хавф туғдириши мумкин бўлган 5 мингдан зиёд камчиликнинг бартавраф этилгани бу борада самарали тизим яратилганидан далолат бермоқда.

Касаба уюшмалари фаоллари томонидан ёз мавсуми давомида республика бўйича 400 мингдан зиёд болаларнинг оромгоҳларда дам олишлари ташкил этилганини, 143 мингдан ортиқ ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, 300 дан ортиқ уруш ва меҳнат fronti фахрийларининг тизимга қаршилик сиҳатгоҳларда имтиёзли тарзда соғломлаштирилганини алоҳида қайд этиш лозим.

Жорий йилда Фарғона вилояти Сўх туманида замонавий болалар оромгоҳи ва Тошкент вилоятининг Паркент туманида «Заркент» санаторийси барпо этилди. Айниқса, касаба уюшмалари куни арафасида Бўстонлик туманидаги Чимён туристик зонасида фойдаланишга топширилган «Севарсой» санаторийси юртимиз меҳнаткашлари учун ўзига хос байрам совғаси бўлди.

Шунингдек, 100 йилдан ортиқ тарихга эга, ўз вақтида миллий санъатимиз ва жаҳон маданиятининг машҳур дарғалари ўзининг бетакрор ва ёрқин истеъдодини намён этган Тошкент шаҳри марказидаги собиқ маданият маскани бугун янги қиёфа касб этиб, «Касаба уюшмалари саройи» сифатида қайта бунёд этилди. Ушбу санъат кошонаси касаба уюшмаларининг сазой-ҳаракати билан ўзбек мадания-

ти ва санъатини янада равнақ топтириш, ёш авлодимизнинг маънавий дунёсини юксалтиришдек эзгу ишга ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади, деб ишонаман.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси ташкил этилгани соҳа учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва меҳнат муносабатларини илмий тадқиқ қилиш нуқтани назаридан муҳим аҳамиятга эгадир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон касаба уюшмаларининг хорижий мамлакатлардаги турдош ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари ривожланиб бораётгани мамлакатимиз нуфузини жаҳон миқёсида тараннум этишга хизмат қилмоқда. Хусусан, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг маслаҳат кенгашига монанд тарзда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан тузилган Марказий Осиё мамлакатлари касаба уюшмалари кенгаши минтақа мамлакатларининг меҳнаткашлари ўртасида дўстлик ва бирдамлик, ўзаро манфаат ва ишонч тамойилларига асосланган яқин қўшничилик муносабатларини жадал ривожлантириш учун ўзига хос мулоқот майдони вазифасини бажариб келмоқда.

Шуни қайд этиш лозимки, ҳозирги кунда касаба уюшмаларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Бунинг сабабини, энг аввало, ташкилотнинг халқ ичига чуқур кириб бораётгани, одамларнинг оғирини енгил қилиш, эл-юрт хизматига камарбаста бўлишни ўзининг устувор вазифаси сифатида белгилаб олганида, деб биламиз.

Ўтган давр мобайнида «Аёллар дафтари» тизими орқали мутасадди

вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар билан биргаликда 1,5 миллионга яқин опа-сингилларимизнинг муаммоларини «фуқаробай» асосда ўрганиб, ҳал этишда касаба уюшмалари алоҳида ташаббус ва жонбозлик кўрсатмоқда. Бу борада Федерация қошида ташкил этилган «1211» ишонч телефонида хотин-қизлар томонидан келиб тушган 130 мингга яқин мурожаатларда билдирилган масалаларнинг ҳал этилгани ҳам шундан дарак беради.

Кооперация усулидаги тадбиркорлик тажрибасини оммалаштириш бўйича ишга туширилган 924 та лойиҳа орқали 100 мингдан ортиқ аҳоли, жумладан, 73 мингга яқин аёлларимиз иш билан таъминланди.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламни ҳамда меҳнат жамоалари аъзоларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ишларида фаол иштирок этаётган сиз, азизларга чин қалбимдан миннатдорчилик билдираман.

Хурматли дўстлар!
Барчамизга маълумки, мамлакатимиз касаба уюшмалари ўз сафларида 5,5 миллиондан зиёд ходимларни бирлаштирган энг йирик жамоат ташкилоти ҳисобланади. Унинг аъзолари сони доимий тарзда кўпайиб бормоқда. Шунинг учун ҳам касаба уюшмалари куни республикамизнинг барча ишчи-ҳодимлари томонидан муҳим сана сифатида кенг нишонланади.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида белгиланган, инсон қадр ва унинг шаънини улуғлашга қаратилган халқпарвар сиёсатнинг амалий намояни сифатида **11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари кунига** меҳнаткашлар байрами, умумхалқ байрами

мақомини бериш ва ушбу кунни дам олиш куни деб белгилашни таклиф этаман.

Бугунги мураккаб ва шиддатли давр корхона ва ташкилотларда ходимларнинг касбий, меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини таъминлаш тизимини янада кучайтиришни тақозо этмоқда ва сиз, азизлар бу борада ҳар томонлама фаоллик кўрсатасиз, деб ишонаман.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!
Хурматли касаба уюшмалари ходимлари!

Давлатимиз ва жамиятимиз томонидан бундан буён ҳам доимий қўллаб-қувватлаш асосида ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш ва уларнинг иш ҳақи миқдорини ошириб бориш бўйича барча имкониятлар сафарбар этилади.

Чунки самарали меҳнат қилиш ва унинг роҳатини кўриш – ҳар бир инсон ҳаётининг маъно-маъмунидир.

Ўз олдимизга қўйган улкан ва эзгу вазифаларни амалга ошириш, «Эл азиз, инсон азиз» деган олижаноб ғояни юртимиздаги ҳар бир корхона ва ташкилотда қорор топтириш, меҳнатни фаровонлик ва бахт манбаига айлантириш кўп жиҳатдан касаба уюшмалари ва уларнинг самарали фаолиятига ҳам боғлиқдир.

Барчангизни бугунги қутлуғ айём – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни билан яна бир бор самимий табриклаб, хонадонларингизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-хотиржамлик, файзу барака, масъулиятли ва шарафли ишларингизда эса янги ютуқлар ёр бўлишини тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Кун нафаси


11 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарларининг «Туркий цивилизациянинг янги даври: умумий тараққиёт ва фаровонлик сари» мавзусидаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқоев, Қирғиз Республикаси Президенти Саидир Жапаров, Туркия Республикаси Президенти Режеп Тайип Эрдоган, Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов ва Венгрия Бош вазيري Виктор Орбан иштирок этди.

Шунингдек, Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ), Туркий давлатлар парламента ассамблеяси (ТУРКПА), Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос жағмармаси, ушбу кўп томонлама тузилма Котибияти раҳбарлари қатнашди.



Жанубий Корея-Ўзбекистон бизнес уюшмаси раиси ўринбосари ва Кореянинг Пёнтек шаҳри ҳокими бошчилигидаги делегация Сирдарё вилоятига ташриф буурди.



АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) Орол денгизини қуриган тубида экотизини тиклаш бўйича иккинчи лойиҳа – ERAS II ишга туширилгани эълон қилди.

Пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуида 11 ноябрь – Касаба уюшмалари куни муносабати билан профессионал боксчилар иштирокида мусобақа бўлиб ўтди.



11 НОЯБРЬ – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни



МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ

у Омбудсман ва касаба уюшмалари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлайди

Касаба уюшмалари куни байрами арафасида анчадан бери қутилаётган яна бир муҳим лойиҳа ўз ижросини топди – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Федерация раиси Қудратилла Рафиқов ва Омбудсман Феруза Эшматова икки ташкилотнинг ҳамкорлиги яқинда пайдо бўлмаганини, улар бугунгача ҳам ўзаро ҳамкорликда иш юритиб, ҳамюртларимиз муаммоларига ечим топиб келишаётганини таъкидладилар. Жумладан, сўнгги беш йил

давомида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига меҳнаткашлардан келиб тушган 24 мингдан ортиқ мурожаатнинг асосий қисми қаноатлантирилди. Натижада ходимларга ўз вақтида тўланмаган иш ҳақи ҳамда моддий ва маънавий зарарлар ундириб берилишига эришилди. Омбудсман томонидан эса жорий йилнинг 9 ойи давомида фуқароларнинг иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари билан боғлиқ тўловлар бўйича ундирилган жами маблағ 219 миллион 760 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, 9 нафар фуқаро ишга тикланди ва 2 киши иш билан таъминланди. Фуқаролик ва маъмурий

судларга киритилган даъво аризалари кўриб чиқилиши жараёнида 11 нафар фуқаро зарарли меҳнат шартитларида ишлагани аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди. Тадбирда ушбу меморандум нафақат марказий ташкилотлар, балки Омбудсманнинг вилоятлардаги минтақавий вакиллари ҳамда Касаба уюшмалари Федерациясининг худудий кенгашлари ўртасида ҳам мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнашга ва фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга хизмат қилиши қайд этилди.

Зебо НАМОЗОВА
«ISHONCH»

САМАРАЛИ МЕҲНАТ ҚИЛИШ ВА УНИНГ ҲАР БИР ИНСОН ҲАЁТИНИНГ МАЪНО-



Халқимизнинг яхши кунларида хизмат қилсин



Фаррух ЗОКИРОВ,
Ўзбекистон халқ артисти

– Собиқ Свердлов номидаги концерт зали биноси негизда қайта қурилган «Касаба уюшмалари саройи»ни кўриб, очиги, ҳайратим ортди. Айни вақтда хотираларнинг уйғонишига туртки берди. Сабаби ушбу сарой ўз вақтида нафақат пойтахтнинг, балки мамлакатимизнинг муҳим маданий маскани бўлган. Бу ерда элимизнинг дунё тан олган фарзандлари Комилжон Отаниёзов, Карим Зокиров, Фахриддин Умаров, Тамираҳоним, Ҳалима Носирова, Ботир Зокиров каби санъат дарғалари концерт берган. Хусусан, «Ялла» ансамбли ҳам ўз ижодини шу ердан бошлаган. Афсуски, шундай табаррук маскан бир неча йиллардан буён қаровсиз ҳола тушиб қолган эди. У ташкилотдан бу ташкилотга ўтавериб нуфузига, тарихий қийматига путур етди.

Бугун адалат тикланди. Раҳмат, меъморлар қурилиш ишлари ниҳоятда маромига етказибди. Бино аввалдан-да кўркамлашибди. Шу ишга бош-қош бўлганларга алоҳида миннатдорлик билдираман. Мазкур санъат саройи кўп йиллар халқимизга хизмат қилсин.

Ёшлик хотираларимни ёдимга солди



Маймура ЭРГАШЕВА,
Ўзбекистон халқ артисти

– Одам улғайган сари ёшлик хотираларини кўмсаб қоларкан. Санъат саройи остонасидан ҳатлаб ўтарканман, дилимни ажиб бир ҳислар чулғаб олди. Бунини сўз билан ифода қилиш мумкин эмас. Чунки бу ер менга жуда-жуда қадрдон маскан. Отанам айнан шу санъат саройида ижодини бошлаган, танишиб оила қуришган ва мен дунёга келганман. Уларнинг изидан юриб, санъатга қадам қўйдим. «Баҳор» ансамблида илк бор мана шу сахнада рақсга тушдим. Ижодимнинг сермахсул палласига гувоҳ бўлган жой, кўриб турибманки, янада кўркамлашибди. Кувончимнинг чеки йўқ.

Биз санъаткорларни, меҳнаткашларни ўйлаб, Президентимиз томонидан бу тарихий бино Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфига ўтказилиб, маданий марказга айлантирилибди.

Мазкур тарихий қоша давлатимиз раҳбари ташаббуси билан яна халқимизга, санъаткорларимизга қайтарилган экан, на-сиб этса, келгусида бу жойдан янгидан-янги истеъодлар етишиб чиқади. Балки қачондир менга ҳам мана шу сахнада рақсга тушиш яна насиб этар... Фурсатдан фойдаланиб, соҳа ходимларини касб байрами билан чин қалбдан табриклияман.

Ҳақиқий халқ ташкилотига айланди



Фармон ТОШЕВ,
«Зарафшон» газетаси бош муҳаррири

– Жамият ҳаммиса бирор-бир кучнинг фаолиятига эҳтиёж сезади. Лекин шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, тараққиётнинг ҳар қандай босқичида ҳам кучи етган куч, яъни уюшмаларгина ўз ўрнини топиб, одамларни ўз ортидан эргаштира олади. Мустақилликдан кейинги йилларда касаба уюшмалари жамиятнинг етакчи кучи сифатида шаклланди, десак асло муболаға бўлмайди.

Бугун касаба уюшмалари халқ ҳаётининг ҳар бир жабҳасига кириб борди ва энг муҳими, халқни ўз отидан эргаштира оляпти.

Назаримда, мана шу жиҳат ҳамманинг эътиборини тортяпти. Йилдан йилга уюшма тармоғи кенгайиб бораётгани ҳам бежиз эмас. Қолаверса, бугун касаба уюшмалари ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро ҳаётига кириб борди.

Ишончим комил, бундан кейин ҳам Ўзбекистон касаба уюшмалари ўз мавқеини туширмайди. Зотан, бугун бу ташкилот халқ учун хизмат қилмоқда.

Муҳташам қошолада уюшмалари куни

Икки йилдирки мамлакатимизда Ўзбекистон касаба уюшмалари куни кенг нишонланмоқда. Ҳар бир меҳнат қилувчи ўзгача шукҳ, турли танловлар, давра суҳбатлари ўтказилиб, фаоллик кўрсатган ишчи-ҳодимлар рағбатлантириляпти.

...Байрам тантаналари учун мўлжалланган таъмирдан чиққан муҳташам қошола – Касаба уюшмалари саройи ўзгача тароват касб этган. Президентимиз топшириғи билан касаба уюшмалари Федерацияси ихтиёрига берилган мазкур бино қисқа вақт ичида ўзининг асл сийра-тига мос равишда замонавий маданият ва санъат маскани сифатида қайта тикланди. Бино олдидаги Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан таъсис этилган танловлар ғолиб-ларига аталган машиналарга ҳамма ҳавас ила боқади. Жонли гулларда композициялар билан безатилган зал фойеси бўйлаб сарой тарихига оид фотокўргазма ташкил этилган...

Ўзбекистон касаба уюшмалари саройининг расмий очилиш маросими бошланди. Касаба уюшмалари масъуллари, давлат ва жамоат арбоблари, вазирилик ва идоралар вакиллари, нурунийлар, бир гуруҳ фаоллар иштирокида карнай-сурнай садолари остида рамзий лента қирқилиб, йиғилганлар ичкарига таклиф этилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ка-

саба уюшмалари ходимлари ва аъзоларига байрам табригини Президент маслаҳатчиси Музаффар Камиллов ўқиб эшиттирди.

Табриқда давлатимиз раҳбарининг 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари кунига меҳнаткашлар байрами, умумхалқ байрами мақомини бериш ва ушбу кунни дам олиш куни деб белгилаш ҳақидаги таклифини йиғилганлар қарсаклар билан қарши олишди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради...

Сўнгги йилларда Президентимизнинг алоҳида эътибори туфайли Касаба уюшмалари Федерацияси мамлакатимиздаги нодавлат муассасалари орасидаги энг нуфузли бирлашмалардан бири сифатида ўзини намоен қилмоқда. Давлат ва жамият ўртасидаги муҳим ва ишончли кўприкка айланган йирик жамоат ташкилоти томонидан халқимиз турмушини фаровон этишга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилляпти. Янгидан-янги объектлар қурилиб, халқимиз хизматида топширилмоқда. Касаба уюш-



малари саройи ҳам улардан бири сифатида тарих зарваракларида муносиб жой оладиган бўлди.

Ватанимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги, шунингдек, касаба уюшмалари ҳаракати ривожига ҳисса қўшган фаол, фидойи, ташаббускор инсонларни рағбатлантиришга бағишланган ҳаяжонли лаҳзалар бошланди. Дастлаб, болаларни соғлом-

лаштириш ва дам олдириш мавсуми ташкилотчилари «Энг намунали стационар болалар оромгоҳи», «Болалар оромгоҳини намунали ташкил этган корхона», «Болаларнинг ёзи соғломлаштириш мавсумини намунали ташкил этган ҳудуд», «Ёз мавсумида фаол иштирок этган ишчи гуруҳ» номинатсиялари бўйича тақдирланди.

Ватан тараққиёти, унинг кудратини юксалтиришда фидойилик қилаётган, касаба уюшмалари нуфузини оширишга салмоқли ҳисса қўшаётган бир гуруҳ юртдошларимизга эса Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг юксак мукофоти – «Эҳтиром нишони» топширилди.

Кўп йиллик самарали меҳнати, эришган алоҳида ютуқлари билан соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт, шунингдек, касаба уюшмаларининг нуфузини юксалтиришга ҳисса қўшиб келётган юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида ўтган йили «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреати» мукофоти таъсис этилган эди. Тантанали тадбирда ушбу мукофот ҳам ўз эгаларини топди.

Касаба уюшмалари Феде-



РОҲАТИНИ КЎРИШ – МАЗМУНИДИР



Ўзбекистон касабанишонланди

рацияси тасарруфиди бўлган 30 та санаторий, Даволаш профилактика марказида ҳар йили минглаб ишчи-ходимлар, фахрийлар соғлиғини тиклайди. Уларнинг фаолияти маиший-техник ва тиббий имкониятлари, даволаш услулари, хизмат кўрсатиш сервисиси жаҳон стандартлари даражасига кўтарилмоқда.

Айни шу муваффақиятлар, соҳадаги янгиланишларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон касабанишонланди. Федерацияси тизимдаги ушбу масканларда фидокорона меҳнат қилаётган ходимларни рағбатлантириб боришни йўлга қўйган. Ғолиблар «Энг яхши шифокор», «Энг яхши ҳамшира», «Энг яхши пазанда» номинациялари бўйича эътироф этилди. «Энг яхши санаторий» номинацияси ғолиби бўлган Абу Али ибн Сино номидаги санаторийга эса Санатор-курортлар бошқармаси маблағлари ҳисобидан 100 млн. сўм ажратилгани алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Шундан сўнг «Энг яхши қурилиш ташкилоти раҳбари», «Энг яхши қурувчи», «Энг яхши муҳандис», «Энг яхши қурилиш назоратчиси», «Энг яхши лойиҳачи», «Энг намунали қурилиш ходими», «Энг яхши ўқитувчи», «Энг яхши журналист», «Энг яхши ҳудудий муҳбир», «Энг яхши спортчи» номинация-

лари эгалари рағбатлантирилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган «Аёллар дафтари» тизими, айтиш жоизки, ўзига хос лойиҳага айланди. Зотан, айнан шу дастур орқали минглаб оналаримиз, опа-сингилларимизнинг мушқули осон бўлди, рўзгорига баррака кирди. Буни халқаро ҳамжамият ҳам эътироф этмоқда. Бундай кенг миқёсли лойиҳани амалга оширишнинг ўзи бўлмади, албатта. Бу борада фидокорона меҳнатлари билан барчага ўрнак бўлаётган аёлларнинг муаммо ва мурожаатлари ҳал этилишига салмоқли ҳисса қўшаётган масъул ходимларнинг ўрни бўлақча.

Бундай фидойи ходимларни муносиб рағбатлантириш бўйича республикамиз ҳудудларидаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ўртасида «Энг яхши маҳалла

раиси», ҳудудлардаги сектор раҳбарлари ўртасида «Энг яхши сектор раҳбари», гендер сиёсати ва мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ҳаётида аёллар ролини ошириш борасидаги ишларни намунали ташкил этган корхона раҳбарлари ўртасида «Энг намунали иш берувчи аёл», маҳаллада аҳоли бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини ривожлантиришда ўзининг фидокорона меҳнати билан барчага намуна бўлган ҳоким ёрдамчиларини рағбатлантириш мақсадида «Энг яхши ҳоким ёрдамчиси» маҳаллада ёшлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини ҳал этишда фидойилик кўрсатган ёшлар етакчилари ўртасида «Энг яхши ёшлар етакчиси», «Аёллар дафтари» тизими доирасида хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этишда фидокорона меҳнат

ТАБРИКДА ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ 11 НОЯБРЬ – ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ КУНИГА МЕҲНАТКАШЛАР БАЙРАМИ, УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ МАҚОМИНИ БЕРИШ ВА УШБУ КУННИ ДАМ ОЛИШ КУНИ ДЭБ БЕЛГИЛАШ ҲАҚИДАГИ ТАКЛИФИНИ ЙИҒИЛГАНЛАР ҚАРШАКЛАР БИЛАН ҚАРШИ ОЛИШДИ.

қилиб, юксак кўрсаткичларга эришган маҳаллардаги хотин-қизлар фаолларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Энг яхши хотин-қизлар фаоли» танловлари ўтказилган эди. Ушбу танловлар ғолибларига Президент совғаси, яъни 1-ўрин соҳибларига «Жентра», 2-ўрин соҳибларига «Кобальт», учинчи ўрин соҳибларига «Спарк» автомобили топширилди.

Тантана ранг-баранг концерт дастурлари билан янада файзга тўлди. Ўзбекистон халқ артистлари Фаррух Зокиров, Шерали Жўраев, Мансур Тошматов, Юлдуз Усмонова ва бошқа таниқли санъаткорлар, бахшилар, халқ шоири Сирожиiddин Сайид, Мукаррама Турғунбоева номидаги «Баҳор» давлат рақс ансамбли, «Томоша» болалар ашула ва рақс ансамблининг дилтортар тароналари, шеър ва турфа чиқишлари иштирокчиларга унутилмас лаҳзаларни тақдим этди.

Шу ўринда айтиш жоизки, ушбу тадбир таъсирли онларга бой бўлди. Меҳнат, изланиш, заҳмат ҳақиқий баҳосини, рағбатини олди. Зеро, Президентимиз табригида таъкидланганидек, самарали меҳнат қилиш ва унинг роҳатини кўриш – ҳар бир инсон ҳаётининг маъно-мазмунидир.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Янги Ўзбекистонга «янги» сўзи ярашмоқда

– Ўзбекистон касабанишонланди Федерацияси ўзининг салкам 120 йиллик тарихида бугунгидек халққа яқин бўлмаган. Мамлакатимизда жадал давом этаётган ислохот жараёнларини тийран нигоҳ ила кузатаётган ҳар қандай инсон бунинг асл сабабини англаб етади, албатта. Зеро, касабанишонланди бор куч-ғайратини давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев олға сурган ва сураётган халқни рози қилиш таъминини амалга оширишга сафарбар этмоқда. Кенг меҳнаткаш омманинг ишончини, меҳрини қозонмоқда.

Айниқса, Президентимизнинг байрам муносабати билан йўллаган табрик хати тадбирга янада кўтаринки руҳ бағишлади. Бир қаламкаш сифатида менга мактубдаги «Меҳнат қилиш ва унинг роҳатини кўриш» деган жумла ниҳоятда таъсир қилди. Фикримча, бу сўзлар дунёда яшаб турган ҳар қандай инсоннинг бирламчи орзу-ҳаваси, ҳаётининг маъно-мазмун ифодасидир.

Ушбу жумлада, ўйлаيمанки, Президентнинг давлат раҳбари сифатида олиб бораётган сиёсати ва албатта ватандошларимиз, миллатдошларимизга кўрсатаётган меҳри-меҳрибонлиги рамзи, тимсоли мужассам топган.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш жоизки, Янги Ўзбекистон ҳаётига «янги» сўзи узукка кўз қўйгандай ярашмоқда. Республика касабанишонланди ана шу янги ҳаётимизнинг пешқадamlари сафида бормоқда.

Байрам шодиёнаси янги қошонада ўтказилди, кўп-кўп ватандошларимиз, соҳа заҳматкашлари – янги ғолиблар муносиб тақдирландилар, тадбирнинг бадиий қисми янада янги руҳ, янги кўтаринки кайфиятда барча-барчани мамнун этди.

Бу таклифда меҳнат қадри мужассам

– Қарийб бутун умрим меҳнатда ўтди. Хусусан, кўп йиллар касабанишонланди тизимида ишладим. Аммо меҳнаткашларни бугунгидек қадрланганини кўрмаган эдим.

Ўзим ҳам касабанишонланди раиси сифатида ҳамкасбларимни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга астойдил ҳаракат қиламан.

Бугун касабанишонланди фаолиятида, меҳнаткашлар ҳаётида тарихий воқеа содир бўлди. Ўтган йилдан буён 11 ноябрни «Касабанишонланди кунини» сифатида нишонлагандик. Бу не бахтки, давлатимиз раҳбари ушбу санани бундан кейин умумхалқ байрами сифатида нишонлашни ҳамда уни дам олиш кунини деб эълон қилишни таклиф этди. Бу таклиф айнан «Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йиллиги»да билдирилганда катта ҳикмат бор. Меҳнаткашлар учун шундай имконият яратиб бераётган юртбошимизнинг боши омон бўлсин.

Ишончини оқлаймиз

– Мен раҳбарлик қилаётган секторда 38 минг нафардан ортиқ аҳоли бор. Шундан 8 минг 808 нафарини аёллар ташкил этади. «Аёллар дафтари»ни шакллантириш мобайнида 892 нафар хотин-қиз олтига йўналиш бўйича рўйхатга олинди. Энг катта эътиборни ишсизликка қаратдик ва натижада 371 нафар аёлнинг доимий бандлиги таъминланди. Бундан ташқари, ўн нафардан ортиқ аёлга ҳоимийлик маблағлари эвазига уй-жой қўриб берилди. Шунингдек, номиронлиги бор ёки ноирон фарзандига қараётган ижтимоий кўмакка муҳтож опа-сингилларнинг муаммолари тегишлилиги бўйича ижобий ечим топди.

Аёллар ўртасида узлуксиз тарғибот ва ташвиқот тадбирлари, спорт мусобақалари ташкиллаштирилиб келингани боис ҳудудда биринчи аёллар жиноятчилиги қайд этилмади.

Меҳнат қилган одам бир кун албатта юзага чиқади. Бугун камтарона меҳнатларимиз эътироф этилганидан хурсандман. Бу мукофот менга келгуси фаолиятимга ўзига хос рағбат бўлиши билан бир қаторда, катта масъулият оқлайди. Бундан кейин ҳам ўзимга берилган ишончини оқлашга, сидқидилдан меҳнат қилишга астойдил ҳаракат қиламан.

Муаммо ечимини топмоқда

Ҳоким ёрдамчилари давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий қилинган «маҳаллабай» ишлаш тизимининг илк қалдирғочлари бўлди, десам асло адашмайман. Уларнинг асосий вазифаси аҳолининг бандлигини таъминлаш, тадбиркорлигини ривожлантириш, камбағалликни қисқартиришдан иборат.

Маҳалламиз паспортини шакллантириш жараёнида аҳолининг гендер таркиби, касб-малакаси, хоҳиш-истаклари, муаммоларини ўрганиб, тўпланган маълумотларни «online-mahalla.uz» платформасига жойлаштириб бордим.

Ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида шаҳар бандликка кўмаклашиш маркази билан корхона ва ташкилотларга экскурсиялар уюштирдик. Меҳнат ярмаркаларида қатнашдик.

Шундай саъй-ҳаракатлар натижасида 43 нафар ишсиз аёл касб-хунар марказларида ўқитилди. Айни пайтда улар ўз йўналиши бўйича ишлаб келмоқда.

Келгусида маҳаллада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун мавжуд имкониятлар ва ресурслардан фойдаланган ҳолда замонавий хизмат кўрсатиш турларини жорий этиш ва бу орқали маҳалламиз иқтисодиётини ривожлантириб, янги иш ўринларини ташкил этишни мақсад қилганман. Зеро, ҳар бир муаммонинг тағамларида ишсизлик ётади...




**Хуршид
ДУСТМУХАММАД,**
Ўзбекистон
Республикаси
Олий Мажлиси
Қонунчилик
палатаси депутати,
адабиётшунос олим



**Мастураҳон
САЙФИТДИНОВА,**
Фарғона вилояти
Қува тумани «Қува
анори» агрофир-
маси ихтисослашган
масъулияти чеклан-
ган жамияти раҳ-
бари, «Ўзбекистон
касабанишонланди
Федерацияси муко-
фоти лауреати»



Бахтиёр ХАЛИЛОВ,
Наманган вилояти
Норин тумани про-
курори, «Энг яхши
сектор раҳбари» тан-
лови 2-ўрин соҳиби



Лола ЖЎРАЕВА,
Бухоро вилояти,
Когон шаҳар «Араб-
хона» МФЙ ҳоким
ёрдамчиси, «Энг
яхши ҳоким ёрдам-
чиси» танловининг
1-ўрин соҳиби



Саидқабар Абдураимов, Носир Ҳайдаров (ЎЗА) олган суратлар

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

*Тизимда фаолият юритаётган барча
фаолларни, касаба уюшма аъзоларини*

**11 НОЯБРЬ –
Ўзбекистон касаба
уюшмалари ҳамда Тиббиёт
ходимлари куни билан
самимий табриклайди.**

**Ўз ҳаётини шарафли вазифага – меҳнат эгалари
ҳуқуқларини муҳофаза қилишга бағишлаган юртдошларимизга
улкан муваффақиятлар ёр бўлсин.**



«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalari taхrir хайъати:
Кудратилла РАФИҚОВ (тахрир хайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Меҳридин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Doverie»)

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
З. Рихсиев
Мусаҳҳих:
Д. Худойберганова
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – **02:10**
Топширилди – **02:30**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табақ. Бунюртма **Г-1106**
31352 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5 6
Баҳоси келишилган нарҳда
Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Iprotaka bank»
Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгаши

*касаба уюшма аъзолари, улар орқали
барча юртдошларимизни*

**11 ноябрь –
Ўзбекистон касаба уюшмалари
куни билан самимий
муборакбод этади.**

**Азизлар!
Янги Ўзбекистонда
янгича меҳнат
муносабатлари
шаклланиши ва разнақ
топишига муносиб
ҳисса қўшаётган
фаолиятингизга
улкан муваффақиятлар
тилаймиз.
Байрам муборак
бўлсин!**



Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Хоразм вилояти кенгаши

барча юртдошларимизни

**11 ноябрь –
Ўзбекистон касаба
уюшмалари куни билан
қизғин қутлайди.**

*Ҳар бир инсоннинг касб-коридан
қадр топиши, ҳуқуқлари кафолатланиши
учун хизмат қилиш бурчимиздир.
Барча касаба уюшма аъзоларига
сиҳат-саломатлик, хонадонларига
файзу барака тилаймиз!*

